

ИБТИДОЙ ДИНЛАР ВА ЗАРДУШТИЙЛИКНИ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ АСОСЛАРИ. (макола)

доц.А.Б.Мухаммадиев

Диншунослик фани динлар тарихи, амалиёти, тараққиёти ва эволюциясини ўрганишга қаратилган. Аммо кейинги йилларда тавсия этилаётган дастурларда бизга маълум бўлмаган сабаблар билан диннинг ибтидоий шакллари ва зардуштийлик ғояларини ўқитиш эътибор сусайгандек туюлмоқда. Буни сабаблардан бири фан учун ажратилган соатлар миқдори кам деб қаралса, иккинчиси, жаҳон динлари учун кўпроқ вақт ажратиш истагидир. Маълумки, жаҳон динларининг ғоявий асосларини яхши тушуниш учун ибтидоий динларни талабаларга етарли даражада, камситмасдан, изоҳлашдир. Диннинг ҳозирги кўриниши, ҳолатига баҳо беришни унинг илдизини яъни ибтидоий кўриниши тушунтиришдан бошлаш зарур.

Динний амалиёт-этикод жуда мураккаб ижтимоий ходисадир. Агар инсониятнинг маънавий-рухий тараққиётини зиддиятли тарзда амалга оширилганлигини тан олсак, унинг илдизларини ибтидоий динлардан излаш ўринлидир.

Дин асло инсон маънавий-рухий ожизлигининг меваси эмас. Балки унинг ўзини-ўзи англаб олиши, табиат кучлари намоён бўлишида ўзининг ўрнини топиш, бу кучларни имкон қадар бошқариш, боқий яшаш истаклари ҳамдир.

Ибтидоий динлар ўйлайдиган, танқидий фикрлайдиган инсонлар пайдо бўлгани заҳоти вужудга келмаганлигини изоҳловчи қадимшунослик ва элшунослик фанларининг илмий вакиллари бор. Уларнинг таъкидлашларича, инсон бундан бир неча минг йиллар бутун пайдо бўлган ва уларнинг дастлабки ибтидоий диний қарашлари анча кейин 40-50 минг йилларда шакллана бошлаган.

Ибтидоий динларда ўлим бу узоқ давом этган уйқу сифатида қаралмаган, одам эртами-кечми уйғонади ва ёнида қолдирилган қуроллардан фойдаланади, деган тасаввур бўлган, Қазо қилганлар ва тириклар ўртасида алоқа бўлиши ҳақида ҳам фикр юргизганлар. Бунинг учун маросимлар, ибтидоий ва сиғиниш объектлари барпо этилган. Ибтидоий динларнинг пайдо бўлишида асосий туртки, табиат кучларининг моҳиятини англаш, унинг ижодкорини топиш, уларга нисбатан муносабат, алоқа, таъсир қилиш истаклари эди.

Ижтимоий фанларда қайси дин аввалроқ пайдо бўлган, деган савол қўйилмаган. Аммо фетишизм ҳақидаги ғояларни ўрганиш шундай хулосага олиб келадики, у барча халқлар маънавий маданияти ва эътикод шаклларида чуқур из қолдирган. Фетишизм сифатида ҳар бир нарсани, предметни танлаб олиш мумкин, Масалан, дарахт, тош, тиш қолдиклари, қўритилган бўри териси, тирноқлари бунга мисол бўла олади. Ҳозир ҳам айрим хонадонларда болалар бешиқларига бўри тишлари осиб қўйилганлиги, улар фарзандни бало-қазодан асрайди, деган тушунча ва ҳаракатларни учратиш мумкин.

Бозорларда айрим холларда бўрининг тишлари, тирноқлари сотилаётганини ҳам кўриш мумкин.

Диншунослик фани дарсларида фетишизмни бошқа ибтидоий динлар билан боғлиқ ҳолда ўқитиш зарур. Улардан яна бири тотемизмдир. У ўзида дастлабки қабила-уруғчилик муносабатлари, алоқаларини, маданиятини мужассамлаштирган. Унда атрофда бўлган нарсалар, ҳайвонот олами, жуғрофий кенглик улуғланади, муқаддаслаштирилади. Бўри, масалан, туркий халқларда тотем сифатида қаралганлиги ва эъзозлаганлиги барчага маълум. Тотемизм ғоялари барча жаҳон динларида, эътиқоди ва амалиётида мавжудлигини талабаларга содда ва ишонарли қилиб тушунтириш мақсадга мувофиқ. Магия ёки сеҳргарлик дини ҳақида талабаларга етарли миқдорда ахборот бериш ўқитувчи билими ва маҳоратига боғлиқ. Инсон борлиқни ўз мақсадларига бўйсиндириш учун турли ҳаракатлар, сеҳрлаш, ҳайвонлар ҳаракатини рақслар воситасида ифодалаш, инсон ва ҳайвон ўртасидаги боғлиқликни исботлашга уринишлар бўлган.

Айрим диндорлар сеҳрлаш дуо воситасида исталган воқеъликни амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайдилар. Бунинг учун курбонликлар қилинади. Ҳамма нарсанинг жони бор, унга озор бермаслик зарур, уни эъзозлаш керак деган ғоялар анимизмда атрофлича ифодаланган. Анимизм ғоялари мифологик дунё қарашнинг пайдо бўлишига асосий манба бўлиб хизмат қилганлиги адабиётларда ёритилган. Инсон қазо қилгани билан унинг руҳи абадий эканлиги ғояси барча жаҳон динларида мавжуд.

Маънавиятимизнинг муҳим манбаларидан бири бу зардуштийликдир. Ҳозирги мавжуд жаҳон динларини теран англаш учун биз албатта зардуштийликка мурожаат этамиз. Зардуштийлик олимларнинг фикрича, бошқа динларга нисбатан жаҳон динларига кўпроқ таъсир кўрсатган дин ҳисобланади. Шу сабабли ҳам буни талабаларга тушунтиришда алоҳида эътибор зарур. Бу динда ҳеч нарса эътибордан ташқарида қолмайди, илоҳий ҳукм, жаннат ва дўзах, охир замон содир бўлиши, кишилар вафотларидан сўнг албатта қайта тирилиши, жон ва тананинг мувозанати, руҳнинг муқаддаслиги ғоялари яҳудийлик, насронийлик, ислом динлари томонидан ижодий ўзлаштирилган.

Айрим маърузачилар зардуштийликнинг ижтимоий-фалсафий ғояларига етарлича эътибор бермайдилар. Маълумки, Заратуштра инсонларнинг бир-бирларини эъзозлашлари зарурлигини, тинч-тотув яшашини, яхши яшаш учун бу дунёда яхшиликлар қилиш зарурлигини тарғиб қилган. Гуноҳкор инсонлар вафотларидан сўнг на хурсандчилик на ҳафачилик ҳоллари, воқеалари бўлмайдиган аросатга-мисвонгатуға тушиб қолишлари мумкинлигини тажрибали маърузачиларимиз алоҳида урғу бериб тушунтирадilar.

“Авесто”да айтилганларга ҳам оҳанг ғоялар: яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги абадий кураш ҳақидаги фикрлар ҳам жаҳон динлари асосларида акс эттирилган. Хар бир зардуштий кунига беш марта покланиб, таҳорат олиб, тозаланиб (исломда ҳам беш марта Аллоҳга мурожаат этиш фарзлиги) қуёшни улуғлаши зарур бўлган.

Юқорида изоҳланган фикрлардан хулоса шуки: биринчидан, инсон фалсафий-диний-ғоялардаги шаклан ва мазмунан ўхшашликлар, яқинликлар асосан ибтидоий инсонларнинг табиат кучларини англашда, изоҳлашда бир хил ижтимоий муҳит ва тараққиётида бўлганлиги исботидир.

Иккинчидан, борлиқни идрок этаётган инсонлар кўп ҳолларда бир хил услуб, ёндашув йўлидан борганликлари ҳам кўзга ташланмоқда.

Учинчидан, ибтидоий динлар ва зардуштийлик ғоялари дастлаб инсонларни қандай қилиб борлиқни англашда дастурил амал бўлган бўлса, келгусида жаҳон динлари ҳам аста-секин бир-бирларидаги ўхшаш ғояларга суяниб яқинлашувлари мумкинлиги ҳақидаги фикрларни пайдо қилади.